

Journal of Social Research in Uzbekistan**JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN**

journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jsru>**TRADITIONAL CLOTHING OF UZBEK WOMEN: HISTORY AND ETHNIC FEATURES***Uktam N. Mansurov**Associate Professor, PhD**Tashkent State Pedagogical University named after Nizami**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Key words: woman, clothing, traditional, history, dress, humanity, material culture, souvenir, fabric, decoration, lifestyle, source, style, attitude, development.

Abstract: The article describes the traditional types of Uzbek traditional clothing, the history of their formation and some ethnic features. After all, clothing has a long history as a source that reflects the lifestyle and social and spiritual life of the Uzbek people. Since Uzbek women's clothing also has different shapes and styles depending on the history of its formation, tailoring and structure. This article discusses some of the most common types of everyday clothing and ritual clothing.

Received: 15.04.22**Accepted:** 17.04.22**Published:** 19.04.22**ЎЗБЕК АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ КИЙИМ-КЕЧАКЛАРИ: ТАРИХИ ВА ЭТНОХУСУСИЯТЛАРИ***Ўқтам Н. Мансуров**Доцент, тарих фанлари номзоди**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети**Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: аёллар, кийим-кечак, анъанавий, тарих, кийиниш, инсоният, моддий маданият, ёдгорлик, мато, тақинчоқ, турмуш тарзи, манба, услуб, муносабат, ривожланиш.

Аннотация: Мақолада ўзбек анъанавий кийим-кечакларининг анъанавий турлари, уларнинг шаклланиш тарихи ва айрим этнохусусиятлари ёритилган. Зеро, кийим - кечаклари ўзбек халқининг турмуш тарзи ва ижтимоий маънавий ҳаётини ўзида акс эттирувчи манба сифатида узоқ тарихга эга. Чунки ўзбек аёлларининг кийим кечаклари ҳам ўзининг шаклланиш тарихи, тикилиши ва тузилишига кўра турли шакл ва услубларига эга бўлган бўлиб, мазкур мақолада кундлик кийим-кечаклар ва маросим кийимларининг кенг тарқалган айрим турлари ҳақида сўз юритилган.

ТРАДИЦИОННАЯ ОДЕЖДА УЗБЕКСКИХ ЖЕНЩИН: ИСТОРИЯ И ЭТНИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ**Уктам Н. Мансуров***Доцент, кандидат исторических наук**Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами**Ташкент, Узбекистан***О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: женщина, одежда, традиционная, история, платье, человечество, материальная культура, сувенир, ткань, украшение, образ жизни, источник, стиль, отношение, развитие.

Аннотация: В статье описаны традиционные виды узбекской традиционной одежды, история их формирования и некоторые этнические особенности. Ведь одежда имеет давнюю историю как источник, отражающий образ жизни и общественно-духовную жизнь узбекского народа. Поскольку узбекская женская одежда также имеет разные формы и стили в зависимости от истории ее формирования, пошива и структуры. В данной статье рассматриваются некоторые наиболее распространенные виды повседневной одежды и ритуальной одежды.

КИРИШ

Кийим-кечак инсон яратган турар жой каби энг қадимги ихтиролардан биридир. Сўнги палеолит давридаёқ мавжуд бўлган кийим географик муҳит, хўжалик шакли, ижтимоий муносабатлар, маданият, этник қатламлар ва бошчаларга боғлиқ ҳолда тараккий этган. Палеолит даври ёдгорликлари орасида терини ишлайдиган тош ва тикадиган суяк игналар топилган. Кийим учун матодан ташқари барглари, ўтлар, дарахт пўстлоқлари ҳам хом ашё вазифасини ўтаган. Ибтидоий одамлар ҳайвон терилари, дарахт пўстлоқлари ва барглари суяк ва ҳайвон шохидан ишланган «игналар» б-н шунчаки чатиб, баданларига «илиб» олишган. Неолит даврида ип йиғириш ва мато тўқиш санъатини ўзлаштирган инсон Кийим тикишда дастлаб ёввойи ўсимлик толаларидан фойдаланган, чорвачилик ва деҳқончиликнинг ривожланиши мато тайёрлаш учун уй ҳайвонларининг жуни ва маданий ўсимликларнинг толаларидан фойдаланиш имконини берди.

Ўзбек миллий кийим кечаклари Ўзбекистон ҳудудида маҳаллий кийим қадимдан иқлим, турмуш шароитлари ва уруғ-қабилани анъаналари асосида шаклланди. Республика ҳудудидан топилган археологик ёдгорликлар, деворий расмлар, ёзма манбалар, қўлёзма китобларга ишланган мўъжаз тасвир (миниатюра)ларда ўзбек миллий кийимининг бой тарихи намоён бўлади. Кийимнинг киши қоматига қараб бичиш усули кейинчалик ривожланди. Кийим шакли эстетик идеал, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, хусусан, дин, ахлоқ билан ҳамбарчас боғлиқдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Кийим-кечак деб, маълум кўриниш ва дизайнга эга бўлган, инсон танасини ёпиб турувчи, маълум шакл ва тузилишда тайёрланган мато шаклига нисбатан айтилади. Кийимлар тикилади, тўкилади ёки бошқа усуллар билан тайёрланади. Кийим кийишдан мақсад, аввало танани атроф-муҳит таъсири, иссиқ, совуқ, шамол, чанг-тўзон, қуёш нурлари, ёгингарчилик ва ҳоказолардан асрашдир. Бундан ташқари кийим ижтимоий сабабларга кўра ҳам кийилади (атрофдагилар эътиборини тортиш, жинсий аъзоларни беркитиш ва ҳ.к). Худди шу ижтимоий ва психологик сабабларга кўра кийим-кечак маълум шаклда, кўринишли, чиройли қилиб тайёрланади.

Аёллар кийим-кечаклари ҳам инсоният яратган энг қадимги ихтиролардан биридир. Умуман, кийим-кечаклар орасида дастлаб аёллар кийимлари вужудга келган. У сўнгги палеолит давридаёқ пайдо бўлган бўлиб, улар азалдан иқлим хусусиятлари, географик муҳит, одамларнинг турмуш тарзи, ижтимоий муносабатлари билан боғлиқ ҳолда тараккий этган [1. 21]. Палеолит даври ёдгорликлари орасидан терини ишлайдиган кийим тикадиган суяк игналар топилганлиги бунинг яққол исботидир. Ибтидоий даврларда аёллар ҳайвон терилари, дарахт пўстлоқлари ва барглари суяк ва ҳайвон шохидан ишланган "игналар" билан шунчаки чатиб, баданларига "илиб" олишган. Неолит даврида ип йигириш ва мато тўқишни ўзлаштирган инсон кийим тикишда дастлаб ёввойи ўсимлик толаларидан фойдаланган, чорвачилик ва деҳқончиликнинг ривожланиши мато тайёрлаш учун уй ҳайвонларининг жуни ва маданий ўсимликларнинг толаларидан фойдаланиш имконини яратган.

Қадимги даврга таллуқли расмларда ва ҳайкалларда, хусусан Афросиёб топилмалари орасида чакмон, узун кўнжили этик, учли бош кийим кийган, бўйнига қимматбаҳо маъданлардан безаклар осиб олган ҳайкалчалар диққатимизни тортади. Зарб этилган тангалар, идиш товоқлар, қурол аслаҳаларга туширилган расмларда табиат манзараларини, одам ва ҳайвонлар тасвирини ҳам кўриш мумкин. Санъат ёдгорликлари эса антик даври кийимлариининг турлари билан танишиш имкониятини беради. Юнон муарриҳи Геродотнинг маълумоти бўйича, аёллар ўзлари учун турли кўринишдаги кийим кечакларни кийганлар. Аммо аҳолининг қолган қатламлари, ҳатто эркаклар ҳам, кийимсиз юришни уят деб ҳисоблашган.

Аёллар кийим-кечаклари орасида олтин узуклар, марварид маржонлар, зираклар, билакузуклар, тўғнағичлар, шунингдек, тош ва суяк, бронзадан ясалган безак кабилар жуда қадимда шаклланган бўлиб, даставвал диний-сеҳргарлик маъносини англатган. Жумладан, Д.Ф. Фахретдинованинг ёзишича, ҳайвон суяги ва тишидан ясалган маржонлар нафақат

бало-қазолардан асровчи тумор, шу билан бирга, овчилар жасорати ва эпчиллигини ифодалаган, довюраклик белгиси бўлиб хизмат қилган. “Улар овчилик сеҳрини гавдалантириб, кўпинча ваҳший ҳайвонларнинг куч-қудрати ва эпчиллигини инсонга бахш этадиган предмет сифатида тақиб юрилган” [2. 8].

Аёллар кийимлари ҳам бошқа тоифа кишилари кийимлар каби ўз тури ва моҳиятига кўра – ички, устки кийим бошлар, бош кийимлар, оёқ кийимлар, вазифасига кўра - кундалик, уйда, дам олиш пайтида, байрам ва тўй маросимларида кийиладиган (кишилик) кийимлар, иш кийимлар (жомакор), спорт кийимлар, расмий кийимлар (форма)лар, махсус кийимларларга бўлинади.

Кийим-кечаклар ёш ва жинс хусусиятларига кўра аёллар, эркаклар ва болалар кийимларига ажратилади. Ўзбек аёллари миллий кийимларини тикишда ишлатиладиган асосий матоларга ип-газлама, ипак, нимшойи ва жун газламалар кирган. Ип - газлама матоларнинг турлари ва навлари жуда кўп бўлган. Ҳатто айрим шаҳарлар фақат маълум бир турдаги газламани тўқишга ихтисослашган бўлиб, улар матоларни бўяш санъатининг юксаклиги, маҳаллий газлама тўқиш услублари билан ажралиб турган.

Қуйида мана шу матоларнинг айримларига бироз таъриф бериб ўтамыз: *Беқасам*- йўл-йўл газмол бўлиб, ундан нафақат аёллар, ҳатто болалар катталар учун кундалик кийиладиган тўнлар, кўрпа-кўрпачалар тикилган. *Банорас*- беқасамдан ранг турлари билан фаркланиб, ундан аёлларнинг уст кийими ҳамда паранжи тикилган. Паранжи аёлларнинг гавдасини, юз-кўзини яшириб туришга хизмат қилган. «Паранжи» уйдан ташқарида ёпинилган. Паранжининг олд томони тўрсимон чачвон (чиммат, тожикча, чашмбанд – кўзтўсар) билан беркитилган». Шунингдек, «паранжи» сўзи арабча форажия, фарожатсўзидан олинган бўлиб, атама арабларда дин аҳллари, уламолар, султонларнинг қимматбаҳо матодан кенг қилиб тикилган устки кийими эканлигини таъкидланиб, Ўзбекистонда яшовчи уйғурларнинг айрим этник гуруҳлари орасида яқин ўтмишгача переженоми билан юритилган мазкур кийим эркакларнинг енги узун кийими бўлган. Паранжи атамаси туркманлардаги пўренчек//бўрўнчак– бурканмоқ феълига боғлашга ҳаракат қилади ва далил сифатида «Девони луғотит турк» асарида учрайдиган “бўрўнді” – кийди, бурканиб олди, ёпинди феълидан олинганлиги қайд этилади. У «қадимда уст кийим вазифасини ўтаган туркманча пўренчек кейинчалик кийимлик вазифасидан чиқа бориб, оддий бир ёпинчиққа айланиб, унинг енглари ингичкалашиб, оддий бир безак ҳолатига кирган. [3. 16512].

Адрас- абр иплар билан гул солинган нимшойи газмол бўлиб, ундан асосан ўзбек аёлларининг кийимлари тикилган. Унинг кановуз, шойи, хонатлас, гулдор кимхоб, духоба каби турлари кенг қўлланилган. *Шойи* аёллар кийим-кечаклари учун хом ашё бўлиб, нимшойи матолар- беқасам, адрас, катак шойи, товлама шойи, абршойи ва ҳоказо турларга

бўлинган. Бой-бадавлат аёллар эса кимхоб, ипак, атлас, духоба, ранго ранг мовутлардан кийим тиктириганлар [4. 2006.]. Шунга қарамай, косиблар дастгоҳидан чиққан маҳаллий газламалар аёллар учун мато, бўз, нимшойи газмол, адрас, беқасам, подшойи, кимхоб, хонатлас, катакшойи кабиларнинг турли хилларига ҳам эҳтиёж катта бўлган.

Ўтмишда ўзбек аёллари газмолларини ишлаш ва уларга гул солиш техникаси ҳам анча мураккаб бўлган. Уларга гул-нақш солишда икки хил услуб қўлланилиб, бу эса йўл-йўл ва абр услубидир. XIX асрга келиб, йўл-йўл гул солинган матолар хиллари кенг расм бўла бошлайди. Ип газлама, шойи, ним шойи газмолларга шу услубда гул солинган. Мазкур турдаги газламалар асосан Самарқанд, Ургут, Нурота, Бухоро, Гиждувон, Фарғона, Қўқон, Марғилон, Наманган ҳудудларида яшаган аёллар учун хос бўлган. Хоразм усталари тайёрлаган газламалар ҳам аёллар учун жозибали бўлиб, ўзига хос гуллари билан кўзга ташланиб турган.

ХУЛОСА

Умуман, ўтмишда аёллар матоларига гул босиш ва кийим тикишнинг туникасимон ва абрли усулларидан фойдаланиб иплар билан гул солиш анчагина оммалашган бўлиб, бўёқлари ёйиқ, қимматбаҳо ипак газмолларни ишлаб чиқаришда қўлланилган. Абрбанд усули билан ипларни ўраб-боғлаб қўйишдан иборат мазкур мураккаб ва сермеҳнат жараён асосан Фарғона водийси шаҳарлари ва Самарқанд, Бухорода қўлланилган. Хулоса қилиб айтганда кийим кечаклар ўша халқнинг турмуш тарзи ва ижтимоий маънавий ҳаётини ўзида кенг акс эттирувчи манба сифатида узоқ тарихга эга бўлиб, бунда ўзбек аёлларининг кийим кечаклари ҳам ўзининг шаклланиш тарихи, тикилиши ва тузилишига кўра ажралиб турганлигини тасдиқламоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Обломуродов Н, Ҳазратқулов А, Толипов Ф ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи (олий таълим бакалавр босқичи талабалари учун ўқув қўлланма). Т., 2011. 21- бет
2. Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана.- Ташкент: Издательство им. Гафура Гуляма, 1988. С.8
3. <https://oliymahad.uz/16512>
4. Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. Т., 2006.